

## Яна бир муваффақиятли ҳамкорлик

Жорий йилнинг 21 - ноябрида институтимизга Италиянинг Турин политехника университети профессори Maurizio Rosso “Гидромелиоратив ишларни механизациялаш” кафедраси таклифи билан ташриф буюрди. Ташриф давомида профессор Maurizio Rosso институтимиз ўқув ишлари бўйича проректори профессор Б.Мирзаев билан учрашди. Учрашув давомида профессор Б.Мирзаев меҳмонга институтимизда таълим соҳасида олиб борилаётган янги ислохотлар билан кенг кўламда маълумотлар алмашди. Кейинги йилларда институтимиз эришган ютуқлар, халқаро ҳамкорликлар, ташрифлар юзасидан муфассал маълумотлар берилди.



Сухбат сўнгида институтимиз ва Италиянинг Турин политехника университети билан ўзаро ҳамкорлик бўйича меморандум имзолашга келишилди. Шундан сўнг профессор Maurizio Rosso “Гидромелиоратив ишларни механизациялаш” кафедраси мудир доц. И.Худаев ҳамкорлигида институтимиздаги “Гидротехника қурилиши” , “Гидромелиоратив ишларни механизациялаш”, “Технологик жараёнларни автоматлаштириш ва бошқариш” кафедралари ўқув лабораториялари билан яқиндан танишди. Ўз фикр- мулоҳазаларини билдириб, дастлабки ташрифдан миннатдор эканлигини ва бу ҳамкорлигимиз давом этишини айтди. Яқин кунларда профессор Maurizio Rosso СХМИМ таълим йўналиши талабалари учун муаммоли маъруза ўқиб беришини билдирди.



**“Гидромелиоратив ишларни механизациялаш” кафедраси доценти И.Худаев маълумоти**

**Институт матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов**